

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
«ИЛМІЙ – ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

**«ИЛМІЙ – ТЕХНИКА МАРКАЗИ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ**

ТОИРОВ ОЛИМЖОН ЗУВУРОВИЧ

**ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИДА ТОҒ-КОН МАССАСИНИ
ҚАЗИШ ВА РУДА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Тоиров Олимжон Зувурович

Тоғ-металлургия саноатида тоғ-кон массасини қазिश ва руда
тайёрлаш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш 3

Тоиров Олимжон Зувурович

Повышение энергоэффективности процесса экскавации горной массы и
рудоподготовки в горно-металлургической промышленности..... 29

Toirov Olimjon Zuvurovich

Improving the energy efficiency of the process of excavation of rock mass
and ore preparation in the mining and metallurgical industry 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of pulished works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
«ИЛМІЙ – ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

**«ИЛМІЙ – ТЕХНИКА МАРКАЗИ»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ**

ТОИРОВ ОЛИМЖОН ЗУВУРОВИЧ

**ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИДА ТОҒ-КОН МАССАСИНИ
ҚАЗИШ ВА РУДА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/T125 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Илмий-техника маркази» маъсуляти чекланган жамиятида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Камалов Толяган Сиражиддинович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Хашимов Арифжон Адилевич
техника фанлари доктори, профессор

Wojciech Nowak (Польша)
техника фанлари доктори, профессор

Арипов Назиржон Мукарамович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Навоий давлат кончилик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» маъсуляти чекланган жамияти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.03 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «26» 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй). Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (68 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй). Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «14» 12 да тарқатилди.
(2018 йил «14» 12 даги 13 рақамли реестр баённомаси).



К.Р.Аллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

О.Х. Ишнараров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., к.и.х.

М.И. Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқаришда технологик машина ва механизмлар, электромеханик қурилмаларнинг динамик иш режимларини замонавий бошқариш қурилмалари орқали яхшилаш, электромеханик тизим элементларини такомиллаштириш, бошқариш усулларни қўллаш орқали тоғ-металларугия саноатида энергия самарадор технологиялар яратилмоқда. «Тоғ-металлургия корхоналарида асосий энергия истеъмоли рудани қазиб олиш ва тайёрлаш жараёнига тўғри келади, ҳамда умумий энергия истеъмоли хажмининг 38% дан ортиғини ташкил этмоқда, қолаверса бу истеъмол жаҳондаги 10% дан кам бўлмаган энергия ҳаражатларига тўғри келмоқда»¹. Шу билан бирга конвейер қурилмаларини иш унумдорлигини ошириш, экскаваторлар электр юритмаларининг бошқариш тизимларини такомиллаштириш орқали энергия сарфини камайтириш ишлари олиб борилмоқда ва ўз навбатида мазкур соҳанинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда кон машина ва механизмлари электромеханик ускуналарнинг иш режимларини яхшилаш орқали ресурстежамкорликни ошириш ва оптималлаштириш, уларда ишланмалар ва энерготежамкор технологияларни жорий этиш, рудани қазиб олиш ва рудани тайёрлаш жараёнида энергетик самарадорликни ошириш учун электромеханик комплексларни мукамаллаштириш ва ростланувчи электр юритмаларни бошқариш схемаларини ишлаб чиқиш масалаларига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан тоғ массасини қазиб олиш ва руда тайёрлаш жараёнининг энергия самарадорлигини аниқлаш методикасини таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш, частотавий ростланувчи электр юритмаларни бошқариш қонуниятларини, математик моделлари ва структуравий схемаларини ишлаб чиқиш ва механизмларда қўллаш орқали уларнинг динамик режимларини яхшилаш, янги энергия ва ресурстежамкор усуллар ва технологиялар яратиш муҳим тадқиқотлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда тоғ-кон саноати корхоналарида рудани қазиб олиш ва руда тайёрлаш жараёнида энергия сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, рудани қазиб олиш жараёнида энергия самарадорлигини ошириш, карьер экскаваторлари электр юритмаларини бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, юқори техник иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш учун энергияни тежовчи ускуналар ва технологияларни жорий этиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор вазифалар сифатида, жумладан «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурслар сиғимларини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфини камайтиришнинг мақсадли параметрларига мувофиқ амалга

¹<https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-sovremennogo-sostoyaniya-i-perspektiv-razvitiya-drobilno-razmolnogo-oborudovaniya>

ошириладиган энергия тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ...»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан рудани казиб олиш ва тайёрлаш жараёнининг энергетик самарадорлигини аниқлаш, ростланувчи электр юритмалар асосида кончилик машиналари ва механизмларининг энергия тежамкор иш режимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек кончилик машиналарининг технологик иш режимларини ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда бошқариш тизимларини қуриш учун илмий асосланган ечимларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 15 августдаги ПҚ-3211-сон «Олмалиқ КМК АЖни янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Ростланувчи электр юритмаларнинг замонавий элементлар базаси асосида тоғ массасини казиб олиш ва рудани тайёрлаш жараёнининг энергия самарадорлигини оширишга қаратилган, технологик ускуналарнинг энергия ва ресурстежамкор режимларини жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology, University of Texas at Austin, (АҚШ), University of Oxford, Imperial College London (Англия), Curtin University (Австралия), McGill University (Канада), Technische Universität Bergakademie Freiberg (Германия), Aalborg University (Дания), «Горний» Миллий маданий-хомашё университети, Москва энергетика институти (Россия), AGH University of Science and Technology (Польша), University of Witwatersrand (Шарқий Африка Республикаси), University of Technology and Mines (Ҳиндистон), Kyushu University (Япония), «Илмий-техника маркази»

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.twirpx.com>, <http://www.sci-hab.la>, www.researchgate.net, <http://elibrary.ru>, <http://cyberleninka.ru>, www.disserscat.com, <https://uc-ieee.org> ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

МЧЖ, Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Рудани қазиб олиш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш, тоғ-металлургия саноатида энергия ва ресурсларни тежаш салоҳиятини аниқлаш, дунё миқёсида ускуналарни бошқариш усуллари ёрдамида энергияни тежовчи технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: тоғ-кон саноатида механизмларнинг частотавий бошқарилувчи электр юритмаларини бошқариш назарияси ривожлантирилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); умумсаноат механизмларининг энергияни тежайдиган электр юритмалари учун ноаниқ мантиқий ёндашув ишлаб чиқилган (McGill University Канада); технологик жараённи ростланувчи электр юритма воситалари билан оптимал бошқариш ишлаб чиқилган (Aalborg University, Дания); бойитиш жараёнида кон машиналарининг энерготежамкор режимлари ишлаб чиқилган (AGH University of Science and Technology, Польша); қазиб жараёнини автоматлаштириш учун амалий дастурлар ва кон экскаваторининг ишлашини комплекс баҳолаш учун моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқилган («Горный» Минерал-хом ашё миллий университети, Россия).

Дунёда тоғ-металлургия саноатида технологик жараёнларнинг энергетик самарадорлигини ошириш ва рудани қазиб олиш жараёнларини энергия ва ресурстежамкорликни ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда: генетик алгоритмлар асосида технологик жараёнларни бошқариш ва оптималлаштиришни ишлаб чиқиш, тоғ машиналарининг частотавий бошқарилувчи электр юритмалари воситалари билан энергия тежамкорлик масалаларини ечиш; рудани тайёрлаш технологиясининг энергия самарадорлигига таъсир этувчи бошқариш омилларини аниқлаш; экскаваторларни эксплуатация қилиш самарадорлигини оширишни комплекс баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар тоғ-металлургия саноатида рудани тайёрлашда ва минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлашда энерготежамкор технологиялар, энергия самарадор тоғ машиналарининг частотавий бошқарилувчи электр юритмаларини ишлаб чиқиш, конда ишлатиладиган машиналарининг ростланувчи электр юритма воситалари орқали энергия тежамкорлик масалаларини ечишда қуйидаги олимлар, жумладан Ильинский Н.Ф., Москаленко В.В., Андреев В.П., Браславский И.Я., Шрейнер Р.Т., Фираго Б.И., Реутов А.А., Ключев В.И., Дмитриев В.В., Белов М.П., Бабокин Г.И., Антоняк Е., Козярук А.Е., Auinger Herbert, Bose Vimal, Heinrich Walter, Norbert Schaefer, Хамудханов М.З., Камалов Т.С., Хашимов А.А., Ишназаров О.Х. ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Тоғ-металлургия саноатида тоғ жинсларини қазиб олиш ва рудани тайёрлаш жараёнида электромеханик ускуналарининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича назарий ва амалий вазифаларни ўрганиш бир қатор олимлар ва амалиётчилар, жумладан Микитченко А.Я., Сафошин В.В., Греков Э.Л., Малафеев С.И., Галкин В.И., Шишкин А.А., Кожубаев Ю.Н., Kulinowski P, Wojciech Nowak, Keyhani A., King Myke, Millar D ва

бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Саноатда энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва электр энергиясини истеъмол қилиш усуллари оптималлаштиришга бағишланган масалалар бўйича Ўзбекистон олимлари орасида Насиров Т.Х., Аллаев К.Р., Ситдиқов Р.А., Хошимов Ф.А., Алимходжаев К.Т., Арипов Н.М., Бобожанов М.К. ва бошқалар шуғилланишган.

Аммо сезиларли муваффақиятларга қарамай рудани тайёрлашда электромеханик ускуналарнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича, жумладан тоғ-кон саноатида тоғ массасини қазиб ва рудани тайёрлаш жараёнида электромеханик ускуналарнинг энергия самарадорлигини ошириш билан бирга энергия сарфи ва энергия тежаш салоҳиятини аниқлаш билан боғлиқ масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Илмий техника маркази» маъсулияти чекланган жамиятнинг илмий-тадқиқот ишлари режаларининг Ф2-ФА-О-12660 «Тоғ-кон саноатида ва машинали суғориш каналлари тизимларининг насос станцияларида турбомеханизмлардаги ўзаро алоқадор электрогидромеханик жараёнларни ва энерго- ва ресурстежамкор режимларни частотавий бошқарилувчи электр юритмалар ёрдамида рационал бошқариш назариясини ривожлантириш» (2012-2016), АЗ-ФА-Ф106 «Саноатда (тоғ-металлургия) ва қишлоқ хўжалигида (машинали суғориш тизимларининг насос станциялари) энерго- ва ресурстежамкор технологияларни, ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг рационал режимларини таъминловчи типик механизмларга адаптациялашган частотавий-ростланувчи электр юритмалар асосида ишлаб чиқиш» (2012-2014), ФА-АЗ-90053 «Иқтисодиёт соҳаларининг энергияни кўп истеъмол қиладиган объектларида энергия сарфининг энерго-ресурс тежамкор режимларини ишлаб чиқиш» (2015-2017) ва БВ-Атех-2018-27 ««Олмалик КМК» АЖ бўлинмаларининг энергосиғимли объектларида кучли энергетик ускуналарнинг энергия- ресурстежамкорлик мониторинги: Мисни эритиш заводи ва бошқа бўлинмаларида ишлаб чиқаришни истиқболли ривожлантириш дастури бўйича янгидан ишга тушарилаётган кучли энергетика ускуналарнинг мониторинги» (2018-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хом ашёларни ташиш йўли билан руда тайёрлаш агрегатлари орасида боғловчи звено сифатидаги конвейер қурилмаларининг энергия ҳажмини, ҳамда энергия-ресурстежамкорлик потенциалини аниқлаш, тоғ массасини қазиб ва руда тайёрлаш жараёнининг энергия самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

рудани қазиб олиш ва руда тайёрлаш жараёнида технологик машина ва механизмларнинг электромеханик ускуналари энергетик кўрсаткичларини, шунингдек электромеханик ускуналарнинг электр таъминоти тизимидаги гармоник ташкил этувчиларни аниқлаш;

рудани қазиб олиш жараёнида экскаваторларнинг электр юритмаларини бошқариш тизимларини қиёсий таҳлил этиш;

технологик ва энергетик омилларни ҳисобга олган ҳолда карьер экскаваторлари энергия самарадорлигининг математик моделини ишлаб чиқиш;

частота ўзгартиргичдан таъминлашнинг ўтиш режимларида механизм электр юритмаларининг кучланиши ва нисбий частоталар ўзгаришининг қонунларини аниқлаш;

ўзгарувчан бошқарув частотасида лентали конвейер қурилмаси асинхрон двигателининг математик моделлари ва структура схемаларини ишлаб чиқиш;

динамик режимларни ҳисобга олган ҳолда частотавий бошқарилувчи электр юритма конвейер лентасининг хизмат кўрсатиш муддатини ва унинг ресурсини аниқлаш;

тоғ массасини қазиб олиш ва руда тайёрлаш жараёнида рудани қазиб олиш ва ташишга электр энергия сарфини меъёрлаш методикасини, таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш;

ростланувчи электр юритмалар асосида тоғ-кон машина ва механизмларининг энерготежамкор режимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Олмалиқ КМК» АЖнинг Кальмакир руда бошқаруви ва Мисни бойитиш фабрикаси бўйича қазиб олиш жараёнида тоғ экскаваторининг электр юритмалари комплекси ва электромеханик ускуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети карьер экскаваторлари ишлашининг энергия самарадорлиги, лентали конвейерларнинг частотавий бошқарилувчи электр юритмаси ва уларнинг энерготежамкор бошқарув режимлари, рудани қазиб олиш ва тайёрлаш жараёнларида технологик ускуналарнинг энергия сифими ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида электр юритма назариясининг замонавий усуллари, электромеханик тизимларини математик моделлаш, ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ва сифимини аниқлаш бўйича комбинацияланган усули, қиёсий таҳлил, ишлаб чиқилган моделларнинг саноат синовлари натижалари статик ва аналитик ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

генератор-ўзгармас ток двигатели, тиристорли ўзгартиргич-ўзгармас ток двигатели ва частота ўзгартиргич-асинхрон двигатели тизимларида экскаватор механизмларидаги ҳар бир ташкил этувчиларининг ФИКни ҳисобга олган ҳолда электр юритмада ростланувчи ўзгартиргич билан энергияни ўзгартиришнинг структура схемалари ишлаб чиқилган;

рудани қазиб олишда асосий технологик ва энергетик параметрларни ҳисобга олган ҳолда экскаваторларнинг ишчи ва номинал иш режимларида математик модели ва электр энергия сарфи меъёрини баҳолаш ишлаб чиқилган;

«частота ўзгартиргичи – двигатель - конвейер» частотавий ростланувчи электр юритма тизимларининг энергия ва ресурстежамкор иш режимлари ишлаб чиқилган;

динамик режимларни ҳисобга олган ҳолда конвейер лентасини жадал емирилишига таъсир кўрсатувчи асосий ва бошқарувчи омиллар аниқланган,

эксплуатация жараёнида конвейер қурилмалари лентаси емирилишининг математик модели ишлаб чиқилган;

асосий таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, тоғ массасини қазиб ва руда тайёрлаш жараёнида энергетик самарадорликни баҳолаш учун рудани қазиб олиш ва ташишга электр энергия сарфини меъёрлашнинг усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

электр ускуналарнинг ҳар бир ташкил этувчилари ва бутун механизмнинг берилган ФИК қийматларига асосланган аналитик ҳисоблаш усули билан карьер экскаваторининг энергетик сиғимини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди;

экспериментал тадқиқотлар асосида энергетик кўрсаткичлар ва турли бошқарув тизимларида экскаваторларнинг энергия самарадорлиги қиёсий таҳлил этилди, мавжуд экскаваторни модернизациялаш учун мақбул вариант аниқланди;

рудани ташишда асинхрон двигателлар частотавий бошқариладиган лентали конвейерларни ва электр юритмани танлаш алгоритми, шунингдек частота ўзгартиргичини бошқариш қонунини танлаш асослаб берилди;

динамик жараёнларда рудани ташиш жараёнларида лентанинг жадал емирилишига таъсир кўрсатадиган энг муҳим бошқарилувчи омиллар ўрнатилди;

рудани тайёрлашда энергия самарадорлик кўрсаткичларини мукаммаллаштириш мақсадида рудани янчиш ва майдалашга электр энергияси сарфининг солиштирма меъёрини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик усуллар ва моделларнинг тўғри қўлланилганлиги, ўрганилаётган жараёнларни маълум мезонлар бўйича баҳолашда уларнинг адекватлиги, фундаментал фанларнинг маълум принципларидан фойдаланган ҳолда, тадқиқ этилаётган жараёнларни ҳисоблаш ва экспериментал маълумотлар билан асослаш, тоғ-кон корхоналарини энергетик текширув жараёнида олинган экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг статик усулларини жорий этиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тоғ массасини қазиб ва электр энергияси сарфи меъёрининг математик модели, энергетик самарадорликка таъсир кўрсатадиган асосий омиллар функциясида ишлаб чиқилган; лентали конвейер двигателларининг энергия тежамкор иш режимларини S-шаклли частотавий бошқарувнинг ўзгариш қонуни вақт бўйича функциясида ишлаб чиқилган; динамик жарёнларда рудани ташиш жараёнида лентанинг жадал емирилишини камайтирувчи бошқарилувчи омилларнинг ўрнатилиши билан характерланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти технологик ускуналарнинг энергетик самарадорлигини ошириш учун частотавий бошқариладиган электр юритма асосида конвейер қурилмаларнинг унумдорлигини бошқариш ишлаб чиқилган; технологик ускуналарнинг энергия ва ресурстежамкор режимлари ростланувчи электр юритмаларнинг замонавий элементлар базасида ишлаб чиқилган; Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг корхоналарида тоғ жинсларини қазиб олиш ва рудани тайёрлаш жараёнида электр энергиясини сарфини меъёрлаш методикасини ишлаб чиқишдан иборатлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Энергетика текширувларини ўтказиш методологиясидан фойдаланиш ва тоғ-металлургия саноатида тоғ жинсларини қазиб олиш ва рудани тайёрлаш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

мавжуд бўлган ўзгармас ток генератори тизимини алмаштириш ва юритма двигателини тиристорли ўзгартиргич-двигатель билан алмаштириш ва Кальмакир карьери Олмалик кон-металлургия комбинати бўйича турли бошқарув тизимлари билан ишлайдиган экскаваторларнинг энергия самарадорлигини аниқлаш усули жорий этилди («Олмалик кон-металлургия комбинати»нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-403-сон маълумотномаси). Натижада 369000 кВт·соатга электр энергиясини тежаш имкони яратилган;

лентали конвейернинг бошланғич режимининг назорат қилиш тизими S-шаклдаги частоталарни бошқариш қонунига мувофиқ фаол статор қаршилигидаги кучланишнинг камайиши ва частота ўзгартиргич асосида 0 дан $1/3f_n$ гача бўлган қўшимча форсировкали тизим Мисни бойитиш фабрикасида жорий этилди («Олмалик кон-металлургия комбинати»нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-403-сон маълумотномаси). Энергия тежамкор конвейер тизимлари бўйича ушбу усулларни қўллаш энергия сарфини 5-10% га қисқартирди. Натижада йилига мис ишлаб чиқариш заводида 809424 кВт·соатга электр энергиясини тежаш имкони яратилган;

Мисни бойитиш фабрикасида рудани қазиб олишнинг энергия самарадорлигини ошириш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида алоҳида машиналар учун электр энергиясидан фойдаланишнинг солиштирма сарф меъёрларини аниқлаш услуги жорий этилди («Олмалик кон-металлургия комбинати»нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-404-сон маълумотномаси). Натижада бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун солиштирма меъёрни тоннасига 0,49 кВт·соатга тежаш имкони яратилган;

рудани қайта ишлаш бўйича энергияни тежаш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш учун бутун Мисни бойитиш фабрикаси бўйича электр энергиясининг сарфини меъёрлаш усуллари жорий этилди («Олмалик кон-металлургия комбинати»нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-404-сон маълумотномаси). Натижада электр энергия истеъмолини 2% га тежаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар натижалари 30 та илмий-техник конференцияларда, жумладан 20 та халқаро ва 10 республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш чоп этилган, жумладан 20 илмий мақола шундан 14 та республика ва 6 та халқаро журналларда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 18 та илмий мақола жумладан, 13 таси республика, 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тоғ-металлургия саноатида руда тайёрлаш ва қазил жараёнларининг замонавий ҳолати ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари»** деб номланган биринчи бобда тоғ-кон металлургия саноатида руда тайёрлаш ва тоғ массаларини қазилнинг технологик жараёнлари замонавий ҳолатининг таҳлили келтирилган, тадқиқотларнинг асосий вазифалари аниқланган ва бошқарилувчи электр юритмаларнинг замонавий элементлар базаси асосида рудани тайёрлаш ва тоғ массаларини қазил жараёнларида иштирок этадиган электр қурилмаларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича адабиётлар тизимлаштирилган ва тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган.

Тоғ-кон бойитиш корхоналарида рудани майдалаш ва бойитишда, янчишда, уларни ташишда, тоғ массаларини қазилда, тоғ иши жараёнларида энергия истеъмолининг таркибий тақсимланиши ва тизими берилган.

Руда тайёрлаш ва ташишда ажратилган алоҳида тизим бўйича «Олмалик кон-металлургия комбинати» тизими аниқланган. Руда тайёрлаш ва тоғ массаларини қазил жараёнларида электр техникавий қурилма таркибига руда тайёрлаш жараёнларида транспорт звеносини боғловчи сифатида конвейер қурилмалари киритилган. Руда тайёрлаш жараёнида электр қурилмалар ишлашининг технологик регламентлари кўриб чиқилган.

Рудани тайёрлаш ва ташиш жараёнларининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича ишланмаларга бағишланган адабиётларда кон-металлургия саноатининг технологик жараёнларнинг энергия самарадорлигини оширишни таъминлайдиган бошқарилувчи электр юритмаларга тааллуқли масалалар етарлича ёритилмаганлиги келтирилган.


«Олмалик кон-металлургия комбинати»нинг бўлимларида ўтказилган тадқиқот ишлари, олиб борилган илмий ва амалий ишлар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг **«Тоғ-металлургия саноати карьер экскаваторларининг энергия самарадорлиги»** номли иккинчи бобда тоғ-металлургия саноати экскаваторлари электр юритмаларини бошқарув тизимининг қиёсий таҳлили ва иш режимлари баён қилинган, очиқ кон ишланмаларида электромеханика қурилмаларини электр таъминотининг энергетик кўрсаткичлари ва гармоник таркиблари аниқланган, шунингдек, технологик ва энергетик омилларни ҳисобга олган ҳолда карьер экскаваторлари энергия самарадорлигининг математик модели ишлаб чиқилган.


Тоғ-кон саноати карьерларида ЭКГ турдаги бир чўмичли экскаватор асосий технологик қурилма бўлиб ҳисобланади ва тоғ-кон саноатининг ишлари уларнинг самарали ишлашига боғлиқдир. ЭКГ экскаваторларининг асосий механизмларига грунтларни қазиб жараёнларида қатнашадиган кўтариш, бурилиш ва босимли механизмлар киради.

Ҳозирги вақтда экскаваторларнинг электр юритмаларида уч хил кўринишли бошқарув тизимлари қўлланилади: 1. Г-Д генератор-ўзгармас ток электр двигатель тизими бўйича электр юритма; 2. ТЎ-Д тизими бўйича ўзгармас ток электр юритмаси тиристорли ўзгартиргичлар билан; 3. ЧЎ-АД тизими бўйича ўзгарувчан ток электр юритмаси бевосита частота ўзгартиргичлар билан.

Назарий ҳисоблаш асосида асосий ишчи механизмларнинг юкламали диаграммалари қурилди. Механизмларнинг ҳақиқий юкламалари назарий ҳисобланган юкламалардан фарқ қилади. Назарий натижалар билан ишчи юкламаларнинг диаграммаларини таққослаш учун «Олмалик кон-металлургия комбинати» нинг Кальмакир карьеридида реал объекти ЭКГ-10 да экспериментал тадқиқотлар олиб борилди, унда экскаватор асосий механизмларининг электр юритмалари бошқаруви ҳар бир циклда Г-Д, ТЎ-Д ва ЧЎ-АД тизимлари бўйича амалга оширган.




а)



б)

1-расм. Г-Д тизимида бир цикл бўйича ЭКГ-10 турдаги экскаваторнинг энергетик параметрлари ва истеъмол қувватининг диаграммаси: а – актив ва реактив қувват, б – умумий қувват ва қувват коэффиценти

1-2 расмларда эскпериментал натижалар асосида олинган турлича бошқарув тизимли ЭКГ-10 турдаги экскаваторнинг асосий энергетик кўрсаткичлари бир цикл учун келтирилган.



2-расм. ТЎ-Д тизимида бир цикл бўйича ЭКГ-10 турдаги экскаваторнинг энергетик параметрлари ва истеъмол қувватининг диаграммаси: а – актив ва реактив қувват, б – умумий қувват ва қувват коэффициенти


ЭКГ-10 турдаги экскаватор электр қурилмасида Г-Д тизими мавжуд электр юритмалар ўрнига ЧЎ-АД бошқарув тизими бўйича учта трансформатор билан таъминланади. Учта трансформаторларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, ЭКГ-10 турдаги экскаваторнинг битта циклдаги иш режимида энергетик параметрлар ва истеъмол қилинадиган қувватнинг диаграммалари олинган.

Диаграммалардан (1, 2-расм) кўришиб турибдики, экскаватор асосий юритмаларининг иш режимлари юкламанинг тез-тез ўзгариши билан характерланади. Шунинг учун экскаватор механизмларининг юритмалари етарли даражада силлиқ шчи ва ростловчи характеристикаларга эга бўлиши керак. Бундан экскаватор асосий механизмлари юритмаларининг иш режимларини қаноатлантирувчи электр юритмалар бошқарув тизимларига қўйиладиган аниқ талабларни аниқлаш келиб чиқади.

Шу нуқтаи назардан, мавжуд машиналарни модернизациялаш учун мақбул вариантни танлаш мақсадида электр юритмаларнинг мавжуд тизимлари кўриб чиқилди. Экскаватор электр юритмаларини ҳар бир бошқарув тизими

бўйича барча таркибий коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда, энергия самарадорлик коэффициенти ва асосий энергетик параметрлар аниқланди ва таққослаб чиқилди.

3-5 расмларда Г-Д, ТЎ-Д, ЧЎ-АД тизимларида ҳар бир таркибий бажарувчи механизмлар ФИКни ҳисобга олган ҳолда ўзгартиргични ростлаш бўйича электр юритмаларда энергия ўзгаришининг структура схемалари келтирилган.



3-расм. АД-Г-Д тизимида энергияни ўзгатиришдги механизмларнинг структура схемаси: T_r – куч трансформатори; P_1 – тармоқдан истеъмол қилинаётган актив қуввати; $\cos\varphi_{AD}$, $\cos\varphi_{Tr}$, – АД ва куч трансформаторининг қувват коэффициенти; $\eta_{напор}$, $\eta_{подъем}$, $\eta_{пов(1)}$, $\eta_{пов(2)}$, $\eta_{ход}$ – босим, кўтарилиш, ўнг-чап бурилиш ва юришнинг умумий ФИК; $\eta_{тр}$ – куч трансформаторининг ФИК; η_{AD} – тармоқ двигателининг ФИК; $\eta_{г.нап}$, $\eta_{г.под}$, $\eta_{г1.пов}$, $\eta_{г2.пов}$ – босим, кўтарилиш ва ўнг-чап бурилиш генераторларининг ФИК; $\eta_{д.нап}$, $\eta_{д.под}$, $\eta_{д1.пов}$, $\eta_{д2.пов}$, $\eta_{д.ход}$ – босим, кўтарилиш, ўнг-чап бурилиш ва юришдаги электродвигателларнинг ФИК; $\eta_{нап.мех}$, $\eta_{под.мех}$, $\eta_{пов1.мех}$, $\eta_{пов2.мех}$, $\eta_{ход.мех}$ – босим, кўтариш, ўнг-чап бурилиш ва юриш механизмларининг ФИК; $\eta_{ред.нап}$, $\eta_{ред.под}$, $\eta_{ред1.пов}$, $\eta_{ред2.пов}$, $\eta_{ред.ход}$ – босим, кўтариш, ўнг-чап бурилиш ва юриш редукторларининг ФИК; η_r – босим механизмидаги бир тишли жуфт редукторнинг ФИК; $k_{ЭЭ(АД-Г-Д)}$ – энергия самарадорлик коэффициенти; P_2 – двигателнинг фойдали актив қуввати; $\eta_{ЭЭ(АД-Г-Д)}$, $\cos\varphi_{ЭЭ(АД-Г-Д)}$ – АД-Г-Д тизимидаги қувват коэффициенти ва умумий ФИК.

Бунда энергия самарадорлик коэффициенти қанча кўп бўлса, тармоқдан токни истеъмол қилиш ҳам шунча кам бўлади ва янада энергия самарадорли ва электр энергиянинг ўзгатириш сифати яхши бўлади. Структура схемаси асосида (3-расм) Г-Д бошқарув тизими бўйича энергия самарадорлик коэффициенти $k_{ЭЭ(АД-Г-Д)}$ қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.


$$k_{ЭЭ(АД-Г-Д)} = \cos \varphi_{АД-Г-Д} \cdot \eta_{АД-Г-Д} = \cos \varphi_{АД} \cdot \eta_{напор} \cdot \eta_{подъем} \cdot \eta_{пов(1)} \cdot \eta_{пов(2)} \cdot \eta_{ход} \quad (1)$$

Экскаваторнинг босим, кўтариш, ўнг-чап бурилиш ва юришнинг ҳар бир операциядаги цикл учун умумий ФИК қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} \eta_{напор} &= \eta_{тр} \cdot \eta_{AD} \cdot \eta_{г.нап} \cdot \eta_{д.нап} \cdot \eta_{нап.мех}, & \eta_{подъем} &= \eta_{тр} \cdot \eta_{AD} \cdot \eta_{г.под} \cdot \eta_{д.под} \cdot \eta_{под.мех}, \\ \eta_{пов1} &= \eta_{тр} \cdot \eta_{AD} \cdot \eta_{г.пов} \cdot \eta_{д1.пов} \cdot \eta_{пов.мех}, & \eta_{пов2} &= \eta_{тр} \cdot \eta_{AD} \cdot \eta_{г.пов} \cdot \eta_{д2.пов} \cdot \eta_{пов.мех}, \\ \eta_{ход} &= \eta_{тр} \cdot \eta_{AD} \cdot \eta_{г.ход} \cdot \eta_{д.ход} \cdot \eta_{ход.мех}. \end{aligned} \quad (2)$$

ТЎ-Д бошқариш тизими бўйича структура схемаси асосида (4-расм) энергия самарадорлик коэффициенти $k_{ЭЭ(ТП-Д)}$ қуйидаги формула билан аниқланади.


$$k_{ЭЭ(ТП-Д)} = \cos \varphi_{ТП} \cdot k_{умТП} \cdot k_{инТП} \cdot \eta_{ТП-Д} = \cos \varphi_{ТП} \cdot k_{умТП} \cdot k_{инТП} \cdot \eta_{напор} \cdot \eta_{подъем} \cdot \eta_{пов(1)} \cdot \eta_{пов(2)} \cdot \eta_{ход} \quad (3)$$



4-расм. ТЎ-Д тизимида энергияни ўзгартиришдаги механизмларнинг структура схемаси: $\cos \varphi_{ТП}$ – тиристорли ўзгартиргичнинг қувват коэффициенти; $k_{ит.ТП}$, $k_{ин.ТП}$ – тиристорли ўзгартиргичдаги кучланиш ва токнинг бузилиш коэффициенти; $\eta_{ТП1}$, $\eta_{ТП2}$, $\eta_{ТП3}$, $\eta_{ТП4}$, $\eta_{ТП5}$ – тристорли ўзгартиргичларнинг ФИК.

Структура схемаси асосида (5-расм) энергетик самарадорлик коэффициенти $k_{ЭЭ(ПЧ-АД)}$ қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$k_{ЭЭ(ПЧ-АД)} = \cos \varphi_{ПЧ-АД} \cdot k_{ум(ПЧ-АД)} \cdot k_{ин(ПЧ-АД)} \cdot \eta_{ПЧ-АД} = \cos \varphi_{ПЧ} \cdot \cos \varphi_{АД} \cdot k_{умПЧ} \cdot k_{инПЧ} \cdot k_{умАД} \cdot k_{инАД} \cdot \eta_{напор} \cdot \eta_{подъем} \cdot \eta_{пов(1)} \cdot \eta_{пов(2)} \cdot \eta_{ход} \quad (4)$$



5-расм. ЧЎ-АД тизимида энергияни ўзгартиришдаги механизмларнинг структура схемаси: $\cos \varphi_{ПЧ}$ – ЧЎнинг қувват коэффициенти; $k_{ит.ТП}$, $k_{ин.ТП}$ – ЧЎнинг киришда кучланиш ва токнинг бузилиш коэффициенти; $\eta_{В1}$, $\eta_{В2}$, $\eta_{В3}$, $\eta_{В4}$, $\eta_{В5}$ – тўғрилагичнинг ФИК; $\eta_{И1}$, $\eta_{И2}$, $\eta_{И3}$, $\eta_{И4}$, $\eta_{И5}$ – инверторларнинг ФИК.

Турли бошқарув тизимларига эга экскаваторларнинг энергетик кўрсаткичлари ва энергия самарадорлигининг қиёсий таҳлили ҳисоблаш ва экспериментал тадқиқотлар асосида ўтказилди, улар бир-биридан анчагина фарқ қилади (Жадвал 1). Фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- анъанавий Г-Д тизимли ва замонавий ЧЎ-АД тизимли бошқарув ТЎ-Д бошқарув тизими билан таққослаганда, цикл давомида энергиянинг актив қувватни истеъмоли 23%, ва 6% га камаяди, бунда истеъмол қилинаётган тўлиқ қувват 55% гача пасаяди; карьер экскаваторларида ТЎ-Д бошқарув тизимини қўллаш рудани қазишда электр энергиясининг солиштирма сарфини 0,27 кВт·соат/м³ гача камайишини таъминлаши аниқланди;

- ТЎ-Д бошқариш тизимидаги ўзгартиргич ва барча ташкил этувчи механизмларни ва ҳисобга олган ҳолда экскаваторнинг умумий ФИК Г-Д ва ЧЎ-АД бошқарув тизимидаги ФИК дан 28% ва 4% га юқори;

- ТЎ-Д бошқарув тизимининг қувват коэффициенти бошқарув тизимига нисбатан мос равишда 58% ва 5% га ортик, қувват коэффициентини ошириш экскаваторнинг энергия исрофини камайтиришга ва электр тармоғи сифат кўрсаткичларини яхшилашга имкон беради;

- турли бошқарув тизимларига эга экскаваторларнинг энергия самарадорлик коэффициентлари аниқланди. Частотани бошқариш жараёнидаги частота ўзгартиргичдан фойдаланишда энергия самарадорлик коэффициенти ТЎ-Д тизимига нисбатан 40% га камаяди. ТЎ-Д бошқарув тизимли энергия самарадорлик коэффициенти Г-Д бошқарув тизимига нисбатан 20% га ошади.

Турли бошқарув тизимларига эга экскаваторларнинг энергетик кўрсаткичлари ва энергия самарадорлигини қиёсловчи жадвал

Энергетик кўрсаткичлар	ЭЖГ электр юритмаларининг бошқарув тизимлари		
	Г-Д	ТЎ-Д	ЧЎ-АД
Умумий ФИК, механизмларнинг барча ташкил этувчиларини ва ўзгартиргичларни ҳисобга олиб, %	65	83	80
Қувват коэффициенти, $\cos\varphi$	0,3÷0,7	0,95	0,90
Цикл давомида актив энергия истеъмоли, W, кВт·с	10,08	7,65	8,10
Цикл давомида реактив энергия истеъмоли, Q, кВар·с	11,02÷34,34	2,51	3,92
Цикл давомида тўлиқ истеъмол қилинаётган қувват, S, кВА·с	15,43÷36,00	8,05	9,00
Рудани қазишга электр энергиясининг солиштирма сарфи, N, кВт·с/м ³	1,12	0,85	0,90
Энергетик самарадорлик коэффициенти, $k_{э}$	0,65	0,78	0,55


Тиристорли ўзгартиргич – ўзгармас ток двигатели тизими бўйича электр юритмани қўллаш ЭЖГ мавжуд экскаваторни модернизациялаш учун энг мақбул вариант ҳисобланади. Бу қуйидаги сабабларга кўра асосланади: экскаватор конструкциясига деярли ўзгартиришлар талаб қилинмайди; ўзгартиргичнинг блок-модуль конструкциясини таъмирлаш вақтини ва машинанинг тўхтаб туришини камайтиради; экскаваторнинг электр энергияси сарфини ва асосий механизмларнинг емирилиши камайиши эвазига; рудани

қазиб олишда электр энергияси солиштирма сарфини ва иш режимларида инерциянинг камайиши ҳисобига ишлаш циклини камайтиради; юқори ФИК ва қувват коэффициентлари, ишончилилик ва тез ҳарактланиш.


Бизнинг тадқиқотлар ва бир қатор муаллифларнинг тадқиқотлари электр энергияси сифатига, энергия ва ресурс тежамкорликка таъсир этувчи омиллардан бири юқори гармоникалар эканлигини кўрсатди. Мазкур масалалар чуқур ўрганишни талаб қилади, чунки улар фақатгина юқори гармоникалар манбаларига боғлиқ бўлмасдан, балки электромеханик тизими энергия ўзгартиргичларидан таъминланадиган технологик ускуналарнинг иш режимларига ҳам боғлиқдир. Бу масала айниқса, тизимнинг динамик режимларда ишлашида долзарб ҳисобланади.

Кальмакир карьерида эксплуатация қилинаётган ЭКГ-10 да экспериментал тадқиқотлар ўтказилди, унда экскаватор асосий механизмлари электр юритмаларини бошқариш мавжуд Г-Д тизими ўрнига ЧЎ-АД тизими бўйича амалга оширилди.

6-расмда ЭКГ-10 да ўлчанган кучланиш ва ток гармоника таркибининг оний қийматлари осциллограммалари 50 та гармоникагача келтирилган. Кучланиш ва токнинг графигидан гармоника таркибида жуфт ва тоқ гармоникалар борлиги кўриниб турибди. Кучланиш ва токнинг гармоникаларида тоқ гармоникалар, айниқса 3, 5, 7 ажралиб турибди.



6-расм. ЭКГ-10 да 50 та гармоникагача кучланиш ва ток гармоника таркибининг оний қийматлари.




7-расм. ЭКГ-10 да 50 с вақт давомидаги ток ва кучланиш гармоникаларининг ўзгариши.

7-расмда 50 с вақт давомида қурилма иш циклининг ҳар бир фазасида ток ва кучланиш гармоникалари таркиби келтирилган. Кўриниб турибдики, гармоникалар таркиби вақт давомида ўзгаради. Кучланиш бўйича гармоникалар амплитудаси ўзгармасдан қолади, ток гармоникаси амплитудаси цикл давомийлигига - босим, бурилиш ва кўтаришга боғлиқ равишда ўзгаради. Кучланиш бўйича гармоник бузилишларнинг THD йиғма коэффициенти 2-6% чегарада ўзгаради, алоҳида сакрашлар 85 % га тенг. Ток бўйича гармоний бузилишларнинг THD йиғма коэффициенти 18-84% чегарада ўзгаради.


8-расмда ишчи циклининг ҳар бир даври учун ҳар бир фазанинг кучланиш ва ток шакллари келтирилган. Кучланишнинг шакли ҳар бир ярим даврда ҳар бир фаза бўйича тоқ гармоникаларда кескин тушиш шаклидаги бузилишга эга.

Ҳар бир фазанинг ток шакли ўнг циклниги иш режимига боғлиқ кескин тушиш ва кўтарилишга эга. Кучланиш бўйича ҳар бир фаза гармоник бузилишларнинг THD йиғма коэффиценти мос равишда 7,5%, 7,4% ва 7,7% ни ташкил этади. Ток бўйича ҳар бир фаза гармоник бузилишларнинг THD йиғма коэффиценти мос равишда 48,7%, 40,8% ва 32,1% ни ташкил этади.



8-расм. ЭКГ-10 да ҳар бир давр учун ҳар бир фазанинг кучланиш ва ток шакллари.

9- расмда ЭКГ-10 ни ишга тушириш даврида ҳар бир фазанинг кучланиш ва ток шакллари оциллограммалари келтирилган. Оциллограммадан кўриниб турибдики, ҳар бир фазанинг кучланиш ва ток бўйича гармониканинг таркиби бир-биридан фарқ қилади. Ток гармоникалари кучланиш гармоникаларига нисбатан ортиқроқ ифодаланган. Кучланиш бўйича ҳар бир фаза гармоник бузилишларнинг THD йиғма коэффиценти мос равишда 99,8%, 99,8% ва 100% ни ташкил этади. Ток бўйича ҳар бир фаза гармоник бузилишларнинг THD йиғма коэффиценти 100% ни ташкил этади.



9-расм. ЭКГ-10 ни ишга тушириш даврида ҳар бир фазанинг кучланиш ва ток шакллари

Ток бўйича йиғма коэффицентнинг қиймати экскаваторнинг электр механик тизимлари ночизиғий юклама натижасида юзага келади. Кучланиш бўйича гармоник бузилишларнинг йиғма коэффиценти электр юритма

истеъмол қилаётган ток шаклининг кучли ўзгариши натижасида бўлади. Юқори гармоникаларни компенсациялаш қурилмаси частоталарнинг кенг спектрига ёки актив филтрларни қўллашга асосан созланган бўлиши шарт. Электротехник ускуналарнинг ишлашига юқори гармоникаларнинг таъсири охириги натижада электромеханик ускуналарнинг энергетик самарадорлиги ва ресурстежамкорлик захирасида акс этади.

Мавжуд экскаваторларнинг асосий кўрсаткичларидан бири, уларнинг энергия сиғими ҳисобланади. Карьер экскаваторининг энергия сиғимини ҳисоблаш усули, бажарувчи механизмнинг (босим, реверс ва юришни ҳисобга олган ҳолда кўтариш, бурилиш) маълум истеъмол қилаётган қувватида электр қурилмаларнинг ҳар бир ташкил этувчилари ва бутун механизмнинг берилган ФИК қийматларига асосланган аналитик ҳисоблаш усули билан ишлаб чиқилди. Ушбу усул тўлиқ циклни бажаришда иштирок этмаётган электр қурилмаларни истисно этган ҳолда, электр юритманинг ТЎ-Д тизими учун ҳам, шунингдек ЧЎ-АД тизими учун ҳам ўринлидир.

Карьер экскаваторини эксплуатация қилишда унинг энергия самарадор ишлашига қуйидаги асосий ички ва ташқи омиллар ва ускунанинг иш режимлари таъсир этади: 1. Машинани бошқарувчининг квалификация даражаси. 2. Қазилма қийинчилиги бўйича тоғ жинси категорияси. 3. Иқлим омиллари. 4. Тоғ жинсларининг зичлиги – ρ , т/м³. 5. Экскаваторнинг юкни туширишидаги бурилиш бурчаги – $\alpha_{пов}$, град. 6. Қурилманинг энергия самарадорлик коэффициенти – $k_{э}$. 7. Қазилма учун электроэнергия сарфи – W , кВт·соат. 8. Экскаваторнинг унумдорлиги – Q , тонна.

Бир вақтнинг ўзида бу омиллар рудани қазилма жараёнида электр энергияси сарфи меъёри кўрсаткичига ҳам таъсир этади. Шунга кўра, рудани қазилмага электр энергияси сарфи меъёри қуйидаги функциялардан иборат:

$$N = f(k_{ст. маш}, k_{пород}, T, \rho, \alpha_{пов}, k_{э}, W, Q) \quad (5)$$

Регрессия таҳлиллари ёрдамида экспериментал ўлчашлар натижаларига кўра, рудани қазилмага электр энергияси сарфи меъёрининг ишончли математик модели машинани бошқарувчининг меҳнат стажи, қурилманинг энергетик самарадорлиги, тоғ жинси категорияси, ҳаво ҳарорати, экскаватор юкни туширишидаги бурилиш бурчаги, истеъмол қилинаётган электр энергияси, тоғ массасининг зичлиги ва қазилма олиш функцияси асосида олинган.

$$N_{ЭКГ} = 1,105323 + 0,025526 \cdot k_{ст. маш} + 0,033076 \cdot k_{пород} - 0,000083 \cdot T + 0,042356 \cdot \rho + 0,000434 \cdot \alpha_{пов} - 0,7056 \cdot k_{э} + 0,000193 \cdot W - 0,000163 \cdot Q \quad (6)$$

Диссертациянинг «Тоғ-металлургия саноати конвейерлар ишининг энергия самарадорлиги»га бағишланган учинчи боби лентали конвейер қурилмаларининг замонавий ҳолати ва уларнинг энергия ва ресурс тежамкорлик масалаларига бағишланган. Тоғ-металлургия саноати конвейер қурилмалар ишининг таҳлили келтирилган частотавий бошқарилувчи электр юритма билан лентали конвейерларни бошқарилишининг ишга тушириш режимларини бошқариш масалалари кўрилганда конструктив ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда, рудани ташишда лентали конвейер қурилмаларини электр

энергияси сарфи меъёрлари позицияларининг энергия самарадорлиги аниқланган.

Руда ташишнинг технологик жараёнларида конвейер қурилмалари боғловчи звено бўлиб ҳисобланади. Технологик қурилмаларни ишлаш самарадорлигини таъминлаш учун конвейер қурилмаларни келишилган ҳолда бошқариш керак. Тажрибалар шуни кўрсатдики, қурилмаларининг иш режимлари, юклама бўйича уларнинг ишлаши нотекис ҳаракатга эга. Технологик қурилмалар ва конвейер юкламаларининг бир текис ишлашини таъминлаш учун руда тайёрлашнинг технологик жараёнлари талабларига жавоб берадиган частотавий бошқарилувчи электр юритмаларни жорий этиш юқори самарали ва истиқболли ҳисобланади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати мисолида тоғ-металлургия саноатида конвейер қурилмаларининг ишлаши таҳлиллари келтирилган.

Технологик жараёнларни берилган талаблар бўйича энергия тежамкор иш режимларини таъминловчи ўзгарувчи частотали бошқаришда лентали конвейер қурилмалари асинхрон двигателнининг структура схемаси ва математик модели ишлаб чиқилган.

Частотавий бошқарилувчи электр юритмалар орқали лентали конвейерларни ишга тушириш режимларини бошқариш масалалари кўриб чиқилган. Частотавий бошқариладиган асинхрон электр юритманин асосий кўрсаткичларидан бири уларнинг энергетик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Электромагнит моментнинг максимуми абсолют β сирпаниш параметрининг критик катталиги билан аниқланади.

$$\beta_K = \pm \frac{\dot{r}_2}{\chi_r} \sqrt{\frac{(\frac{r_1}{F})^2 + \chi_s^2}{(\frac{r_1}{F})^2 + (\chi_s \sigma)^2}} \quad (7) \quad M_K = \frac{1}{2} \left(\frac{U}{F}\right)^2 \frac{a \chi_{\mu H}^2}{\chi_r \sqrt{[(\frac{r_1}{F})^2 + \chi_s^2][(\frac{r_1}{F})^2 + \chi_s \sigma]^2 + \frac{r_1}{F} \chi_{\mu H}^2}} \quad (8)$$

Двигателнинг қувват коэффиценти

$$\cos \varphi = \frac{(\frac{\dot{r}_2}{\beta}) \chi_{\mu H}^2 + \frac{r_1}{F} [(\frac{\dot{r}_2}{\beta})^2 + \chi_r^2]}{D \sqrt{(\frac{\dot{r}_2}{\beta})^2 + \chi_r^2}} \quad (9)$$

Ўзгарувчан частотавий бошқаришдаги АДнинг электромагнит исрофлари

$$\Delta P_{\text{э}} = \left(\frac{U}{F}\right)^2 \frac{m}{D^2} \left\{ r_1 \left[\left(\frac{\dot{r}_2}{\beta}\right)^2 + \chi_r^2 \right] + \frac{k_{CT} \chi_{\mu H}^2 F}{m C_E^2 f_H} \left[\left(\frac{\dot{r}_2}{\beta}\right)^2 + \chi_{2H}^2 \right] + r_2^2 \chi_{\mu H}^2 \right\} \quad (10)$$

АДнинг электромагнит фойдали иш коэффиценти

$$\eta_{\text{э}} = \frac{\frac{a w_{1H}}{m} \left(\frac{F}{\beta} - 1\right)}{\frac{k_{CT} F}{m r_2^2 C_E^2 f_H} \left[\left(\frac{\dot{r}_2}{\beta}\right)^2 + \chi_{2H}^2 \right] + \frac{r_1}{r_2 \cdot \chi_{\mu H}^2} \left[\left(\frac{\dot{r}_2}{\beta}\right)^2 + \chi_r^2 \right] + \left(\frac{F}{\beta} - 1\right) \frac{a w_{1H}}{m} + 1} \quad (11)$$

Олинган ифодалардан кўриниб турибдики асинхрон двигатель ишлашини характерлайдиган асосий катталиклар U/F , r_2/β ва r_1/F ўзгаришларга боғлиқ. Конвейер қурилмалари АДнинг тежамкор ишлашини таъминлаш учун


кучланишни частотага боғлиқлик муносабатини шундай бошқариш керакки, унинг ўзгариши двигатель ва юклама параметрларини ўзгаришига таъсирини компенсацияласин, яъни асинхрон двигатель иш режимларининг унинг номинал режимига яқин ишлашини таъминласин.

Мисни бойитиш фабрикасида лентали конвейерлар мисолида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди, айти вақтда, технологик қурилмалар учун частотали ўзгартиргичлар кенг жорий этилмоқда.

10-расмда лентали конвейер қурилмасининг экспериментал катталиклари 30 минут вақт мобайнида график шаклда келтирилган.

Графикдан лентали конвейерни юклаш ток ва қувватнинг ошишига, қувватнинг актив ташкил этувчиси ортиши билан реактив ташкил этувчининг камайишига қандай таъсир қилиши кўриниб турибди.

Назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, лентали конвейерлар учун равон ишга тушириш шартларини энг яхши қаноатлантирувчи тезликнинг кучайиши, частотани S-шаклли бошқариш қонуни бўйича, ишга туширишда кучланиш 0 дан $1/3f_n$ гача жадаллаштиришни ҳисобга олган ҳолда бошқарувни амалга ошириши ҳисобланади.



10-расм. Лентали конвейернинг частота ўзгартиргичдан таъминланаётган электр юритма электр параметрларининг ўлчаш графиклари


Солиштирма меъёрнинг ўзгариш кўрсаткичлари кўтарилиш бурчаги билан 0 дан 30° гача чегарали конвейер вариантлари учун ташилаётган руданинг кўтарилиш баландлиги ўзгарувчан бўлганда, шунингдек ташилаётган руданинг кўтарилиш баландлиги ўзгармас бўлганда, конструкцияси горизонт ва қия қисмдан таркиб топган конвейерлар учун кўриб чиқилган.

11- расмда конвейернинг турли кўтарилиш бурчақларида юритманинг ҳисобланган қуввати ва конвейернинг унумдорлиги келтирилган.

Рудани ташишда электр энергияси сарфининг солиштирма меъёри кўрсаткичлари қуйидаги ҳолатлар учун аниқланган:

а) рудани ташишда кўтариш горизонтал қисми бўлмаган кўтариш бурчаги $5-30^\circ$ чегарасида бўлган, конвейер унумдорлиги ўзгармас $Q=const$ ва $Q=var$ ўзгарувчан бўлган конвейер лентаси конструкцияси учун;


б) рудани ташишда кўтариш иккита таркибдан тузилган горизонтал ва қия қисми ташиладиган руданинг кўтарилиш баландлиги ўзгармас $Q=\text{const}$ ва ўзгарувчан $Q=\text{var}$ бўлган конвейер конструкциялари учун.



— \square $P_{де}$ – содалаштирилган формула бўйича турли кўтарилиш бурчларида конвейер юритмасининг қуввати, кВт; — \triangle $P^I_{де}$ – аниқ формула бўйича турли кўтарилиш бурчларида конвейер юритмасининг қуввати, кВт; — \diamond Q – конвейернинг турли кўтарилиш бурчларидаги унумдорлиги, тн/с.

11-расм. Конвейернинг турли кўтарилиш бурчларида лентали конвейернинг унумдорлиги ва қуввати

12-расмда келтирилган қуйидаги вариантларда кўтарилиш баландлиги (H) ва конвейер узунлигининг доимий қийматларида кўтарилиш бурчагининг турли катталикларида конвейернинг энергия самарадорлигига боғлиқлиги ўрганилди.



12-расм. $\alpha_1, \alpha_2, \alpha_3, \alpha_4$ кўтарилиш бурчлари ва L, L_1, L_2 боғлиқликка мос ҳолда конвейернинг конструктив бажарилиши

Лентали конвейернинг кўтарилиш баландлиги ва умумий узунлиги бир хил бўлган, таркибий қисми горизонтал бўлмаган конструктив кўринишда бажарилган конвейер энг самарали ҳисобланади.

